

PHILOLOGICAL SCIENCES

ЯССАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ ПОЭТИКАСИ

Атаниязова М.А.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети катта ўқитувчиси

THE POETIC OF YASSAVI'S WISDOMS

Ataniyazova M.

Senior teacher of Karakalpak State University named after Berdakh

Аннотация

Мақолада туркий адабиётнинг машҳур сиймоларидан бири Аҳмад Яссавий шеърини ҳақида сўз боради. Яссавий ижодида ишлатилган шеърини санъатлар, образлар, тимсоллар ташиган мазмуни очиб берилган. Яссавий тафаккурини шеърини мисоллар таҳлили орқали тушунишга ва мухлислар қизиқишини орттиришга ҳаракат қилинди.

Abstract

The article talks about the poetry of Ahmed Yassavi, one of the famous figures of Turkish literature. The poetic arts, images, and symbols used in Yassavi's work reveal the content. An attempt was made to understand Yassavi's thinking through the analysis of poetic examples and to increase the interest of fans.

Калит сўзлар: поэтик образ ва тимсол, шеърини санъатлар, ишқ, ошиқ, комиллик.

Keywords: poetic image and symbol, poetic arts, love, lover, perfection.

Навоий ҳазратлари «Насойим ул-муҳаббат»да «...Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш», [1. 438-саҳифа] - деб таърифлаган зот Аҳмад Яссавийдир.

Бу мақолада фикр-мулоҳазаларимизни Яссавий ҳикматларига таянган ҳолда беришга ҳаракат қиламиз.

Яссавий диний-гасавуфий ва дунёвий қарашларини ўз ҳикматларида поэтик образ ва тимсоллар билан ифодалаб, талмех, ташбеҳ, тазод, таносуб каби шеърини санъатлар билан бегаган:

Юнусдек дарё ичра балиқ бўлсам,

Юсуфдек қудуқ ичра тун-кун қолсам,

Яъқубдек Юсуф учун зор инграсам,

Даргоҳида Хўжам қабул қилармукин. [2.158-саҳифа]

Юқоридаги ҳикматда қатнашган “Юнус, Юсуф ва Ёқуб” каби образлар мумтоз адабиётда талмех санъатини вужудга келтиради. Юнус – Зунун, яъни катта балиқ номини олган пайғамбардир. Уни денгизга ташлашганида катта балиқ ютиб кетади. У балиқ қорнида туриб Ҳақ зикрини тилдан қўймайди. Оллоҳнинг амри билан қирқ кун деганда балиқ уни соҳилга чиқариб ташлайди. Бундай талмех санъатидан фойдланилган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин:

Мусо каби бу йўлларни раҳбари бор,

Толибекам бу ишлардин хабари бор,

Озғурғучи Сомирийдек соҳири бор,

Ориф бўлур ушбуларни соча билса. (2. 306-саҳифа)

Сомирий – сеҳргар, Мусо пайғамбарнинг холаваччаси ва шогирди бўлган, у олтиндан бузук

ясаб, сзининг Тангрингиз шу деб бани Исроилни алдаган.

Тариқатда солиқ комиллик даражасига эришиш учун аввал ишқ йўлидан ўтмоғи даркор. Чин ошиқнинг сифатлари манманликдан воз кечиш, бошқаларга ғамхўр бўлиш, қаноатли бўлиш, ўзгаларга яхшилик қилиш, беҳуда ишларга вақтини сарфламаслик, ёлғон гапирмаслик кабилардир. Яссавий бу каби мавзуларни ишқ билан боғлиқ ҳолда берганлигини кузатамиз:

Ошиқ бўлсанг, ишқ йўлида фано бўлғил,

Дийдор излаб, ҳасратида адо бўлғил,

Мархам бўлиб, чин дардликка даво бўлғил,

Хулқи хушни жон олурда осон қилур. [2. 144-саҳифа]

Сўфий чин ошиқдир, ошиқ нафсни танигунча излашда, ҳасратда унинг дарди – билишдир, билиш ва таниш орқалигина инсон бўлиш мумкин. Нафс бу илмдир, нафсини таниган – олимдир. Олим бўлдинг, демак чин маънодаги ошиққа, яъни дўстга айландинг. Ошиқ маъшуқага роз айтиш учун – ишқ асрорини айтиш учун дийдорталаб. Шиор бу мисраларда ташбеҳ билан бирга муболағадан моҳирлик билан фойдаланган:

Ошиқлари Ҳаққа боқиб, наъра тортар,

Муҳаббатнинг дарёсига чўмуб ётар,

Гавҳар олиб, маъшуқага розин айтар,

Қатра ёши ерга томса, уммон қилур. [2. 145-саҳифа]

Муҳаббат одамни олий мақомга юксалтиради. Чин ошиқ ҳамиша бедор, у муҳаббат дарёсига айланди ва дарёда чўмиб ётади. Кўзлари туннинг зиёсида ҳам, куннинг нурида ҳам Ёрни кўради, холос. Агар у ўз маъшуқаси учун ёш тўкса кўз ёши уммон бўлур.

Ҳақиқий ошиқлар ҳақиқат йўлини танлашади. Аммо бу дунё меники деганлар, оқни қора деганлар

ноҳақ даъво қилганлар, худди эшакдек юк устида қолади ва дўзахга кирадилар. Золим – тарбияланмаган нафс, у ўз кутқулари билан йўлдан адаштиради, нафс зулмидан фақат Яратганнинг ўзи кутқариши мумкин, шунинг учун Унинг буйруқларига бўйинсунмоқ энг тўғри ва осон йўлдир:

Золим агар зулм айласа, Оллоҳ дегил,

Илкинг очиб, Ҳаққа сиғиниб, бўюн сунгил

Ҳақ додингга етмас бўлса, гила қилгил,

Оят, ҳадис маънисидин айдим мано. [2. 46-саҳифа]

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в)нинг наздида жанг-у жадалдан ҳам кучлироқ кураш – нафсга қарши курашмоқдир. Бу кураш ҳар бир инсоннинг ўзлигида мангу давом этади. Яссавий ҳикматларининг ҳам етакчи ғояларидан бири нафсни енгиб комиллик даражасига эришишдир.

Нафсинг сани, бокиб турсанг, нелар демас

Зори қилсанг, Оллоҳ сари бўйун сунмас,

Қўлга олсанг, ёбон қушдек қўлга қўнмас,

Қўлга олиб, тун уйқусин қилгил бедор. [2. 206-саҳифа]

Нафсингни ўз эркига қўйиб берсанг, зорингга кулоқ тутмайди, Оллоҳга бўйин эгмайди, бу ерда шоир нафсни йиртқич чўл қушига ташбеҳ қилган. Нафс қанча кучайса солиқни йўлдан уриши шунча осонлашади. Солиқ орифлик мақсадига эришиш учун энг аввало нафсининг ҳавойи ҳавасларини енғмоғи даркор.

Нафсинг сани охир дамда гадо қилғай,

Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай

Ўлар вақтда иймонингдин жудо қилғай,

Оқил эрсанг, нафси баддин бўлгил безор. [2. 206-саҳифа]

Нафс йўлига кирган киши расво бўлади. Унинг ёнида ҳамиша шайтон ҳамроҳидир. Агар солиқ ўз нафсига енгилса нафси уни охир-оқибат гадо қилиб, иймонидан ажратади. оқил киши нафсининг бадбин хоҳишларини аёвсиз йўқ қилади, нафс бандидан озод бўлсагина ҳақиқатга эришиши мумкин.

Нафсим мани ўтдек ёниб, йўлдин урди,

Юз минг турлук таом тилаб, дўкон курди

Оғзим очиб, ҳар эшикка мани сурди,

Ҳиммат берсанг ит нафсимни мушласам ман. [2. 224-саҳифа]

Бу ҳикматда ҳам шоир ташбиҳ санъатидан фойдаланган. Олов тушган жойини қандай куйдириб йўқ қилиб ташласа, нафс кутқулари ҳам инсонийлик андишаларини худди шундай куйдириб ташлайди. Маърифат булоғидан сув ичиш учун Аллоҳнинг ҳимматидан умидвор бўлишнинг ўзигина кифоя эмас.

Мен айтмадим, Оллоҳ ўзи ваъда қилди,

Йўлсиз эдим, лутф айлабон йўлга солди,

Ғариб бўлуб, дуо қилдим, қўлум олди,

Андоғ ошиқ сир шаробин ичар, дўстлар. [2. 127-саҳифа]

Ишқ шароби ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келиши мумкин. Шунга қўра илоҳий маърифатдан ҳузурланиш, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради. Юқоридаги ҳикматда ҳам солиқнинг

қалбдан ҳам нафис бўлган ишқ сиридан боҳабарликка урғу берилган ва бу шаробдан ичиш учун Оллоҳ олдида ғариб бўлмоқ, ундангина умид қилмоққа ишора қилинган.

Мумтоз адабиётда кўнгил мавзуси алоҳида эътибор қаратилган мавзу, ўз нафсининг ҳаволанган ҳавасларига нисбатан зулм қилиш орқали кўнгил золим нафс товланишларидан ҳимоя қилинади. Яссавий ҳам ўз ҳикматларида нафси амморани золим дея қоралаган.

Яссавий ҳикматларида ёмонликдан сақланиш мавзусига тўхталар экан, катта разолатлардан бири ёлғон гапиришдир, дея таъкидлайди. Ёлғондан тийилишга даъват этади. Ёлғончи ошиқ ҳақида...

“Ал-каззобу ло уммати”, деди Аҳмад,

Жону дилда дуруд айтиб, бўлгил уммат,

Ёлғончига фаришталар айтур лаънат,

Дўзах ичра қоттиқ азоб ваҳшати бор. [2. 237-саҳифа]

Чин ошиқ ўз маъшукасига эришиш йўлини босиб ўтар экан, риёга йўл қўймадлиги даркор. Агар у ёлғон сўз айтса унга фаришталар лаънат айтиши, дўзахнинг қаттиқ азоби борлигига ишора қилади. Ошиқ ўз маъшукасининг жамолини кўра олмас. Муҳаммад (с.а.в) ҳам “ёлғончи менинг умматим эмас”, - деб айтган.

Чиқ ошиқни Оллоҳ сууб, бандам деди.

Аро йўлда қолмасун деб ғамин еди,

“Ёлғончилар дийдоримни кўрмас”, - деди

Ишқ бобида мискин бўлиб юрдим мано. [2. 64-саҳифа]

Нафсидан кечган ошиқнигина Оллоҳ суяди ва уни бандам дейди. Уни аро йўлларда қолдирмайди ва унга илоҳий ишқ шаробини ичиради.

Яссавий Ҳаққа қуллик қилган, ихлос ва тақвонинг чўққисига кўтарилган, шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомларига етишган, зоҳирий ва ботиний илмлардан воқиф Ҳаққа ошиқ бир сиймодир. У кўп ҳикматларида тўғридан тўғри Ҳаққа мурожаат қилади:

Ё Қодиро, гуноҳимдин шармандаман

Илким олиб афв этмасанг, дармондаман,

Ожиз қулман, ҳарна қилсанг фармондаман,

Раҳмон Эгам, аро йўлда қолдим мано. [2.128-саҳифа]

Яссавий ўз ҳикматлари орқали ўқувчига оят ва ҳадисларнинг мазмунини содда тарзда англади. Шоир ҳикматларида исломнинг муқаддас китоби Қуръони каримдаги оят ва ҳадисларни ўз ҳикматларида қатнаштириб “иқтибос” санъатининг ажойиб намуналарини яратган.

“Фазқурини азқуркум” оятининг,

Иймон бўлди Ҳақ таоло раҳматидин,

Кечмоқ керак, ушбу нафсни роҳатидин,

Сахарларда қўпуб, тоат қилгум келур. [2.66-саҳифа]

“Фузукуруни азқуркум” Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 152-оят “Бас, Мени еслангиз, Мен ҳам сизларни эслаيمان”.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида Оллоҳ исмларининг ишлатилиши ва уларнинг маъноларига ҳам эътибор бермоғимиз даркор.

Хорлик тортиб, Ҳақ Мустафо уммат деди,
Осий жофий умматларин ғамин еди.
Анинг учун умматлари қувват олди,
Жон-у дилда Ҳай зикрини айтинг дўстлар!
[2.33-саҳифа]

Ҳай – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири бўлиб ”тирик, барҳаёт” деган маъноларни беради. Яссавий баъзи ҳикматларида Оллоҳнинг бир неча исмларини битта жойда қўллаб уни янада улуғлайди.

Хуш кудратлик Парвардигор, Бируборим
Қўлим тутуб, йўлга солғил, антал-Ҳодий,
Зоти улуг Раҳмон Эгам ҳам Жабборим,
Қўлум тутуб, йўлга солғил, антал-Ҳодий.
[2.88-саҳифа]

Антал-Ҳодий – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири, ўзинг хидоят қилувчи, деган маънони беради. Шоир ишлатган шеърӣ санъатлар билан бирга ҳикматларда қаламга олинган мавзулар ҳам хилма-хиллигини кузатамиз.

Чин дард билан куйгонларга дийдор ато,
Ёлгон ошиқ йўлга кирса, бари хато,
Чин ошиқни кўзи ёшлиқ, қадди дуто,
Дуто бўлиб, ҳазратиға бордум мано. [2.50-саҳифа]

Яссавий камолотга фақатгина ишқ орқалигина эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Юқоридаги ҳикматида шоир ишқ йўлидаги одамларни чин ва ёлгон ошиқ каби сўзлар орқали ифодалаб тазод санъатини юзага келтирган.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, Яссавий ҳикматлари нафақат фикр, туйғу, оҳанг, балки ифоданинг хилма-хиллиги билан бирга мавзу жиҳатдан ҳам бойдир. Аҳмад Яссавийнинг ”Девони ҳикмат”и туркий тилдаги тасаввуф адабиётининг наёб намунаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яссавий ҳикматларида инсоннинг ахлоқий қалб тамкинлиги орқали ҳақиқий бахт, илоҳий завқ ва шавқни ҳис қилиш мумкинлигини бадий образлилик орқали халқ оmmasига етказди. Яссавий бутун турк дунёсининг ўлмас шоиридир.

Адабиётлар

1. Алишер Навоӣ. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 10-жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2011.
2. Аҳмад Яссавий. Сулаймон Бокиргоний. Ҳикматлар куллиёти. –Т.: ”O`zbekiston”, 2015.
3. Анвар Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадийят малоҳати. – Т.: “Шарқ”, 1999.